АДИР ЛАНДШАФТИНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ВА УНИ ЎЗЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА БАХОЛАШ.

Абдурахмонов Дилмуроджон Махманазарович
Фарғона давлат университети

Аннотация: *Ушбу мақолада Фарғона водийси адирлар эрозион-денудацион, эрозион-аккумулятив геоструктуралар сифатида шаклланиб геокомплекслар ичида ўзига хос азонал яратма эканлиги ва ундаги алоқадорлигини компонентлар бўйича мелиоратив холатни баҳолашда бир ландшафт компонентининг мелиоратив холати, уни ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ва жараёнлар баён қилинган.*

Аннотация: *В статье при оценке мелиоративного состояния ландшафтных компонентов Ферганской области описывается мелиоративное состояние одного из компонентов ландшафта, факторы и процессы, влияющие на его изменение.*

Калит сўзлар: *адир ландшафти, литологик холати, рельеф қиялиги, тектоник хусусияти, геокимёвий жараёнлар, элювиал ландшафт, супераквал ландшафт, миграция жараёнлари.*

Ключевые слово:*адырный ландшафтов,литолагическое состояние, уклоны рельефа, тектонические особенности, геохимические процессы, элювиальный ландшафт, супераквальный ландшафт, миграционные процессы.*

КИРИШ

Маълумки, адирлар ландшафти текислик ва тоғликлар ландшафтлари ўртасидаги оралиқ поғонани эгаллайди. Ўзига хос ландшафт хусусиятлари, уларнинг динамик жиҳатлари билан ҳам бошқа ландшафтлардан ажралиб туради. Адирлар ландшафти ўзининг ҳозирги қиёфасини олганига кўп вақт бўлгани йўқ, лекин шу оралиқ (30-40 млн йил) давр давомида адирлар эрозион-денудацион, эрозион-аккумулятив геоструктуралар сифатида шаклланиб геокомплекслар ичида ўзига хос азонал яратма деб тан олиниши зарур. Адирлар атамаси ҳам қир, адир ёки Россияда вал, кряж номлари билан ҳам юритилади. Лекин адирлар плато эмас ва платолар геологик-текстоник хусусиятларига кўра мутлақо фарқ қилади.

Адирлар ландшафти ўзининг шаклланишига ва ривожланишига кўра қатор омиллар билан бевосита боғлиқдир. Бу биринчидан геологик-геоморфологик яъни геотекстоник омиллар, иккинчидан иқлимий, учинчидан гидрологик омиллар ҳисобланади.

Адирлар ландшафтини ривожланиши ва ўзгаришида ҳозирги кунда антропоген омилларнинг аҳамияти катта бўлиб, адирлар қиёфаси техноген таъсир туфайли кескин ўзгаришларга учрамоқда. Адирлар ландшафтларини ҳосил қилувчи омилларга алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз ва уларни рекультивация қилишнинг геоэкологик жиҳатларини ҳам кўрсатиб берамиз.

Адирларнинг геологик тузилиши, метоген асоси, тектоник хусусиятлари, геоморфологияси унинг ландшафт экологик шароитини ҳосил бўлишида асосий ўринни эгаллайди.

Фарғона водийси ва умуман олганда республикамиз ҳудудидаги адирларнинг геологияси, тектоникаси, геоморфологиясини ўрганишда Ф.Миддендорф, Н.П.Васильковский, С.А.Кушнар, С.С.Шульц, Ю.А.Скварцов, А.И.Исломов, Ғ.А.Мавлонов, Г.Ф.Тетюхин, В.Н.Вебер каби тадқиқотчиларнинг фаолияти аҳамиятли бўлган. Фарғона водийси ва республикамизнинг бошқа ҳудудларида жойлашган адирларнинг келиб чиқиши янги тектоник ҳаракатлар билан бевосита боғлиқдир. Янги тектоник ҳаракатлар туфайли мезозей эрасида емирилган тоғли ҳудудлар қайтадан кўтарила бошлади. Шу давр ичида адирлар ҳудудида аккумулятив текисликлар мавжуд эди. Бу текисликлар денгиз остида чўкинди жинсларнинг қалин қатламларини ҳосил қилди. Уларнинг таркибидаги гил, қум, шағал, конгломерат жинслари, алевролит, тузли бирикмалар, гипс, карбонатли жинслар адирларнинг метологик асосини ташкил этади. Бу ётқизиқлар учламчи даврнинг охири ва тўртламчи давр давомидаги бурмаланиш ҳаракатларига тортилди. Бу жараёнлар антклинорий, синклинорий кўринишидаги кўтарилма ва пастламалардан иборат бўлиб, адирлар структураси билан бирга адирлараро ва адирлар орти чўкмалари ҳосил бўлди.

Адирларнинг кўтарилмалари шунга кўра неоген ва тўртламчи давр ётқизиқларидан иборат бўлди. Неоген даврининг ётқизиқлари плиоценнинг алевролит ва гилларидан иборат, уларнинг қатламларида қум, қумтош, конгломератлар учрайди. Бундай жинслар адирларнинг сувайргич қисмларида ер юзасига чиқиб ётади. Унинг ёнбағир ва этакларида делювиал жинслар лёс, лёссимон суглинкалар, шағалли жинслар жойлашган. Адирларни ташкил қилган тўртламчи давр ётқизиқлари тадқиқотчилар томонидан тўртта космлексга ажратилади. Улар Сўх, Тошкент, Мирзачўл ва Сирдарё ётқизиқлари бўлиб, адирлар ҳудудида асосан Сўх, Тошкент, Мирзачўл ётқизиқлари учрайди ва улар адир ландшафтларининг морфолитоген асосини ташкил этади.

Сўх мажмуаси ётқизиқлари алювиал-пролювиал жинслардан иборат бўлиб Фарғона водийси адирларининг аксариятини қоплаб ётади. Адирларда энг кўп тарқалган ётқизиқлар Тошкент комплекси ётқизиқлари ҳисобланиб Фарғона водийси адирларида 5-10 м дан ясси юзаларида 30-40 м дан борт қисмларида 140-150 м га етади. Тошкент комплекси қатламлари устида лёсли ва лёссимон жинслар жойлашган. Бу қатламлар учун хос бўлган ҳолат уларнинг таркибида гипсли қатламларнинг учрашидир. Айрим адирларда масалан Шўрсув адирларида гипсли қатламлар жуда қалин ва 5 см дан 50 см гача бўлган линзаларни ташкил қилади.

Мирзачўл комплекси ётқизиқлари адирларда унча катта майдонлар ҳосил қилмайди, адир этаклари, ясси адирлар қоплама жинслари делювиал пролювиал жинслардан иборат.

Адирларнинг тектоник тузилиши ва ривожланиши поллозой эрасидан бошланган бўлиб, полеозой эрасида гарчан адирлар ҳудуди шаклланмаган бўлса-да геосинклинал ҳудудларга яқин бўлган. Айниқса, кайнозойда бошланган янги тектоник ҳаракатлар адирларни алоҳида геологик геоморфологик структура сифатида шакллантирди. Бу вақт давомида жанубий ва жануби-шарқий ҳудудлардаги адирлар ҳам Фарғона-Олой, Туркистон тизмалари билан биргаликда кўтарилди. Антиклинал ва синклинал структуралар юзага келди.

Шимолий Фарғона адирлари 4 та антиклинал (Косонсой, Чортоқ, Уйчи, Чуст-Поп) ва 3 та синклинал (Абдусамад, Чуст, Пешкўрғон) тузилмаларидан иборат. Ушбу антиклинал ва синклиналлар ландшафт-экологик шароитнинг шаклланишига турлича таъсир кўрсатади.

Косонсой адирлари структураси неоген-қадимги тўртламчи давр жинсларидан иборат антиклинал кўтарилма бўлиб, узунлиги 25 км, эни 14-15 км, шимоли-ғарби 10-12°, жануби-шарқи 7-8°, ўқ қисмидан четкаларига борган сари қиялик камайиб боради.

Чортоқ адирлари структураси антиклинал бурмаланган неоген-қадимги тўртламчи давр жинслари билан банд. Ўқ қисми жануби-ғарбдан, шимоли-шарққа томон 33 км, ўқ қисмининг эни 2-3 км. Ўқ қисмининг шимолий қанотининг қиялиги 2-6°, жанубиники 2-7°.

Уйчи антиклиналининг ядроси палеозой пойдевори жойлашган бўлиб, қанотларида мезазой, палеоген, неоген ва қадимги тўртламчи давр жинслари ҳосил бўлган. Наманган вилоятига тегишли Уйси структурасида неоген-қадимги тўртламчи давр жинслари ер юзига чиқиб ётади. Шимолий ёйларининг қиялиги 40°, жанубий қисми секин-астали билан текисланиб, қиялиги 2-8° га пасаяди.

Чуст-Поп антиклинали жануби-ғарбдан шимоли-шарққа томон 40 км чўзилган бўлиб, эни 10-13 км Ўқ қисми азимут бўйича 60-65°. Ассиметрик тузилишига эга, жанубининг қиялиги 10-13°, шимолиники 3-5°. Синклиналлар. Адирларнинг синклинал ботиқлари асосан адир оралиқларида жойлашган. Жумладан, Чуст-Поп адирларида Абдусамад ва Чуст, Косонсой-Тўрақўрғон адирларида Қўқумбой ва Косонсой, Уйчи- Чортоқ адирларида Пешкўрғон ботиқлари жойлашган. Улар ғарбда 600 м дан шарқда 800 м гача баландликларда жойлашган. Абдусамад ботиғи ғарбдан шарққа тахминан 33 км га, эни ўртача 4 км бўлиб, шарқий қисми шимолдан жанубга 6 км га чўзилиб, адир олди текисликларига уланади. Ботиқ шимолдан жанубга нишаб ва шарқий қисми чуқуррок. Чуст ботиғи шимолдан жанубга нишаблашиб, тахминан 14 км га чўзилган, эни ўртача 10 км га тенг. Косонсой ботиғи ғарбдан шарққа тахминан 7 км га, шимолдан жанубга 12 км га чўзилган. Ботиқ жанубга нишаб. Қўқумбой ботиғи шимолдан жанубга нишаблашиб, 15 км га чўзилган бўлиб, ғарбдан шарққа 14 км га боради. Пешкўрғон ботиғи шимолдан жанубга тахминан 14 км, эни 13 км га чўзилган. Ботиқ жанубга нишаб. Чуст, қўқумбой ва Пешкўрғон ботиқлари сойлар билан титилган.

Кайназой эрасининг палеоген даврида Фарғона ботиғи денгиз тубида бўлиб, шу даврда ботиқ дастлабки тебранма ҳаракатларни бошдан кечиради ва дастлабки тектоник кўтарилишлар олигоценнинг охирида бошланади. Ана шундан бошлаб ботиқ ўзининг ҳозирги қиёфасини эгаллай бошлайди. Палеогеннинг охиридаги кучли тектоник ҳаракатлар натижасида водийни ўраб турган тоғ тизмалари вужудга келади. Бундай жараён бутун неогенда ва тўртламчи (антропоген) даврда давом этиб, у ҳозирга қадар ўз фаолиятини тугатган эмас.

Неогенг палиоген даврида Фарғона ботиғида фақатгина континентал ётқизиқлар шаклланади. Марказий Фарғона текисликлари ва адирлар зонаси неоген палиоген даврида тоғлардан емирилган ва парчаланган жинсларни аккумляция қилувчи майдонга айланади. Бу даврда тўпланган континентал жинсларнинг қалинлиги 3000-4000 м гача етади (Н.П.Васильковский, 1951). Неогеннинг миоцен даврида давом этган тектоник ҳаракатлар натижасида содир бўлаётган бурмаланишлар аста-секин водийнинг баланд тоғ олди зоналарини ҳам қамраб олади. Натижада адирлар зонаси ва адирлар оралиғидаги, адирлар ортидаги синклинал зоналар ҳам шаклланади.

Фарғона ботиғининг энг чекка баланд қисмлари Сўх комплексидан адир тизмалари ва тоғ олди текисликлари Тошкент комплексидан, дарёлар қайир усти Мирзачўл комплексларидан ташкил топган.

Адир ландшафтларини ҳосил бўлишида геологик-геоморфологик омилларни баҳолар эканмиз қуйидаги фикрларни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

1. Адирлар ландшафтини ҳосил бўлишида биринчи навбатда геологик-тектоник жараёнлар муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Адирлар ландшафтининг морфолитоген асоси айнан неоген ва тўртламчи даврдаги бурмаланиш жараёнлари натижасида яратилди. Уларнинг ички ядроси палеозой яратмалари анча чуқурда ётади. Морфологик структурани ташкил қилган яратмалар эса денгиз ва континентал фазаларда шаклланди. Шунга кўра адирлар ландшафтида конгломерат, шағалли жинслар депудацион структураларни, майда донали жинслар эса аккумулаяцион структураларни ташкил этади: Адирлар ландшафтларидаги геологик яратмалар таркибидаги жинслар, карбонатлар эса денгизнинг терриген ётқизиқлари билан бевосита боғлиқдир. Бундай ётқизиқлар адир ландшафтларида турлича қалинликда бўлиб, адирлар ландшафтини рекультивация қилишда геологик яратмаларнинг литологик таркиби, қалинлиги, сув-ҳаво муносабатлари, эрозияга мойиллиги, эрувчанлигини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

2. Адирлар ландшафтлари ва ундаги геоморфологик жараёнлар табиий омиллар ва техноген омиллар туфайли юзага келганлиги сабабли, рекультивация қилишда геоморфологик жараёнларни интенсивлиги муҳимдир. Агарда техноген жараёнлар жадаллиги табиий географик жараёнларга нисбатан кучли бўлса салбий оқибатлар катта иқтисодий зарарни келтириб чиқаради. Масалан, сурилмалар, сел туфайли ювилиш, суффозия, карст, жарланиш каби ноқулай жараёнлар адирлар ландшафти морфологик структурасини ўзгартириб юборади, рекультивация қилиш умуман оғирлашади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абулқосимов А. Қўзибоева О. Сўх ёйилмаси ландшафтларини микрозоналаштириш ва мелиоратив бахолаш.монография. –Самарқанд, СамДУ нашри, 2009.-134бет.

2. Холиқов Р., Абдурахмонов Д. Ландшафтларнинг морфологик бирликларидаги вертикал ва горизонтал алоқалар. Ўзбекистон География жамияти ахбороти 55 жилд 2019й 31-35б

3. Боймирзаев К.М. Фарғона водийси воҳа ландшафтларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш. –Тошкент: Фан, 2007. -130 б.

4. Максудов А. Изменение рельефа Ферганской долины под антропогенным воздействием // Известия ВГО. Т.120. Вып.3. –Ленинград, 1988. -С. 260-265.

Global Science Publication